O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
IN № ____

«Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда коммуникация тизимлари — темир йўл ва автотранспорт инфратузилмаси... тармоқларини ривожлантириш катта ўрин тутади.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 26-may • Shanba • 62 (27.707) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ

Араб дунёсидаги нуфузли оммавий ахборот воситаларидан бири — Мисрдаги «MENA» ахборот агентлигининг интернетдаги вебсаҳифасида бу йил кенг нишонланажак Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи муносабати билан «Самарқанд — Мовароуннаҳр юртининг пойтахти 2750 йиллигини нишонламоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Мақолада бу гўзал шаҳар асрлар бўйи ислом маданиятининг йирик марказларидан бири бўлиб келгани алоҳида қайд этилади. Самарқанд эронлик, ҳиндистонлик, мисрлик, хитойлик ва византиялик тарихчилар ҳамда шоирлар томонидан «Қадимги Шарқ жаннати», «Ислом оламининг дурдонаси», «Шарқ Рими», «Рўйи замин сайқали» каби номлар билан шуҳрат қозонгани ҳамда буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур даврида сарҳадлари Ҳинд дарёсидан то Босфоргача чўзилган улкан салтанатнинг пойтахти бўлгани алоҳида таъкидланади.

Ўқувчилари зътиборини Самарқандда Гўри Амир мақбараси, Биби Хоним масжиди ва бошқа кўпгина тарихий-меъморий обидалар сақланиб қолгани, хусусан, Шоҳи Зинда мажмуасида пайғамбаримизнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос мақбараси жойлашганига қаратар экан, «Самарқанддаги меъморий мажмуалар Ўрта асрларда шарқона шаҳар қурилишининг шоҳ асарлари сифатида ўзини намоён этиб келмоқда, шаҳарнинг мовий гумбазлари, ипак матолардан тайёрланадиган миллий либослари, оламга донғи кетган нонлари, афсонавий гўзаллиги ва мафтункорлиги бу ерга келиб-кетувчи ҳар бир инсон хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади», деб ёзади «MENA».

«Жаҳон» АА *Қоҳира*

❖ **Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати**



ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

«ТОШҒУЗОР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА БИР КУН

Яқинда Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан воҳанинг бир гуруҳ журналистлари юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан бири «Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилишида бўлдилар. «Аср қурилиши» деб ном олган бу таърифу тафсивга сиғмас тарихий яратувчилик ишлари билан танишган журналистлар бир олам таассуротлар билан қайтишди. Иш жадал суратлар билан давом этаётган ҳудудларда бўлишиб, йўлсозлар билан дилдан суҳбат қуришди. Уларнинг машаққатли, лекин ғоят нурли, мўъжизавий меҳнат жараёнлари билан танишдилар. Газетамизнинг махсус мухбири ҳам ана шу ижодий сафар иштирокчиларидан бири бўлди.

...Эрта тонгда йўлга чиқдик. Вилоят маркази Термиз шаҳридан темир йўл қурилиши кетаётган тоғли довонларга қадар қарийб 120-130 чақирим йўл. Аммо кайфиятимиз баланд. Тезроқ темир йўл қурилиши кетаётган жойларни кўришни, замонамизнинг тарихий ва буюк қурилиши иштирокчилари билан суҳбатлашишга ошиқардик.

Шеробод — қадимда шаҳри Ғулғула деб аталган туманни ортда қолдириб, Бойсун заминига ўтишимиз билан баҳор эпкини дилларни янада ёриштириб юборди. Гарчи май ойининг ўрталарида Термизда кунлар исиб, ҳарорат анча кўтарилган бўлса-да, ҳали бу ерларни баҳор тарк этган эмас. Йўл четидаги қирлар кўм-кўк, ўтўланлар кўп. Алвон рангда лолақизғалдоқлар қулф уриб ётибди. Лекин табиатнинг бу сеҳрли гўзалликлари эмас, барчанинг фикри, ўйи, суҳбат мавзуси асосан темир йўл қурилиши, унинг қачон ишга тушиши-ю, пўлат излар тўлиқ ўз фаолиятини бошлаганда юртимизда нечоғли улкан ўзгаришлар яратилиши ҳақида эди.

— Мен бундан 3-4 ой аввал ҳам темир йўл қурувчилари ҳузурида бўлгандим, — дейди журналист Норқувват Тўраев. — Чиндан мўъжиза! Қилинаётган ишларни кўриб ақлингиз шошади. Шунчалик улуғ ишлар бўлаётганини, баланд-виқорли тоғлар бағрини ўйиб темир йўллар ётқизилаётганига қараб ҳайратланмай иложингиз йўқ.

— Нимасини айтасиз, — дея қувонч тўла ҳиссиётларини яширолмай суҳбатга аралашади кекса журналистлардан бири Даврон Ғуломов. — Бундай буюк ишларга ҳамма замонларда ҳам қўл урилавермаган. Юртимизнинг истиқлолга эришилганлиги шарофатидан бу. Агар мамлакатимиз мустақил бўлмаганида, ким бундай катта темир йўллар қурилиши учун изн берарди? Темир йўл тугул оддий бир вокзал қурилиши учун ҳам собиқ иттифоқ марказидан рухсат олинган замонларни ҳам кўрдик-ку.

...Бойсуннинг минг ёшли чинорлари бўй чўзган машҳур маскани — Сайробга етгач, ижодий гуруҳимиз раҳбари, Сурхондарё вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Абдиқодир Тошқулов «Манзилга янги қурилган Сайроб-доддан — Дарбанд дарасига элтувчи айланма йўл орқали бориш» таклифини айтди.

Бу йўллар... Беихтиёр машҳур шоирнинг машҳур шеъри ёдга тушади. Ҳақиқатдан жуда қадимий ва не-не буюк зотлар, дунёни титратган жаҳонгирлар қадами теккан бу йўлларга. Шубҳасиз, фақатгина юртимизнинг мустақиллиги туфайлигина бу йўллар равон бўлди, кенгайди, чирой очмоқда. Чор атрофи қиру қоялар, тоғлар бағрида шундай чиройли, кенг равон манзиллар бунёд этилмоқдаки, асло катта шаҳарлардаги йўллардан кам эмас.

2-бет

❖ **ЎзХДП депутатлари фаолиятидан**

ДЕПУТАТ ТАКЛИФИ, ГУРУҲ ТАШАББУСИ

Халқ депутатлари Сайхунобод туман Кенгаши сессияларида Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлаяпти

Ўтган сайловларда Сайхунобод туман Кенгашига сайланган депутатлардан 9 нафарини ХДПдан кўрсатилган номзодлар ташкил этди. Гулбулоқ сайлов округидан депутат, Амир Темур ҳудудий фермерлар уюшмаси раҳбари, ХДП аъзоси Турғун Жалолов эса депутатлик гуруҳининг раиси бўлди.

Сайловдан кейинги даврни ҳам депутатлар, ҳам депутатлик гуруҳи учун чинакам синов даври бўлди, дейиш мумкин. Чунки, партиямиз вакиллари дастуримизда белгиланган долзарб масалаларни ҳаётга татбиқ этиш учун ўзгача ғайрат ва ташаббус билан ишлашга ҳаракат қилдилар. Бу ҳол биринчи галда халқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари муҳокамасига партиямиз электорати манфаатларига жавоб берадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш, ташаббуслар билан чиқиш, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришишда кўзга ташланмоқда.

Мисол учун депутатлик гуруҳи аъзоси Пурхон Ўролов кейинги йилларда Амир Темур ҳудудий фермерлар уюшмасида 250-300 кишига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилгани ва уларнинг аксариятида бугун аҳоли иморат қуриб, истиқомат қилаётгани туфайли энди бу жойларда инфратузилмани ривожлантириш, ичимлик суви, табиий газ таъминотини йўлга қўйиш зарурати сезилаётгани сабабли, бу масалани туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритиш таклифини ўртага ташлади. ХДП депутатлик гуруҳи буни маъқуллаб, мазкур масалани туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш ташаббуси билан чиқди. Сессияда депутатлик гуруҳининг ташаббуси қўллаб-қувватланди ва масалани ҳал этиш, муаммонинг ечимини топиш юзасидан қарор қабул қилинди. Унинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳам кўрилаяпти.

Яна бир вакилимиз Юнус Бўроновнинг таклифига кўра, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига бир пайтлар қурила бошланган, биринчи навбати битказилган, иккинчи навбати эса чала қолиб кетган 6-мактаб қурилишини ниҳоясига етказиш билан боғлиқ масала киритилди. Депутатлик гуруҳининг қатъият билан қилган ҳаракатлари сабаб муаммо ўз ечимини топди.

— Партиямиз депутатлик гуруҳи сўл сиёсий партиянинг депутатлари деган номга муносиб бўлишни мақсад қилган, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Олимжон Шоматов. — Гуруҳ белгиланган режа асосида фаолият кўрсатмоқда. Депутатлар жойларда бўлиб, одамларни ташвишлантираётган, ўйлантираётган масалаларни ўрганаяпти, уларнинг ечимини топишнинг мақбул воситаларини қидираяпти. Лозим бўлса, шу асосда таллуқли идораларга депутатлик сўровлари киритаяпти. Муҳими, улар қўл қовуштириб ўтирмасдан кўпроқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқишаяпти, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ишлар қилишаяпти. Натижада депутат сўзи, депутат сўровининг салмоғини ҳис қилаяпмиз.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДАСТУРИ

«Ўзбекистон» нашриётида Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир» деб номланган китоби чоп этилди.

Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, бугунги ҳаётимизнинг долзарб масалалари бўйича кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ўрин олган бўлиб, уларда юртимизда 2000-2006 йиллар мобайнида турли соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан натижа ва кўрсаткичлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, шу асосда зарур сабоқ ва хулосалар баён қилинган.

Айни пайтда 2007 йил ва яқин келгусида иқтисодий-ижтимоий соҳада амалга оширилиши мўлжалланган мақсад ва режаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги долзарб вазифалар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун мавжуд барча омил ва салоҳиятлардан самарали фойдаланиш, ҳали-бери ишга солинмаган куч ва имкониятларни сафарбар этиш, энг муҳими, бошлаган ижобий ишларимизни изчиллик ва қатъият билан давом эттириш зарурлиги таъкидланган.

Бу эзгу мақсадларга эришиш ҳақида сўз юритар экан, олдимизда турган кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартлари сифатида Президентимиз қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратади.



Биринчидан, ана шу дастурий вазифаларни ўзимизга яққол тасаввур қилиш, уларнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз лозим. Давлат раҳбаридан тортиб ҳар бир фуқарогача уларни ҳаётга жорий қилишни ўзининг бугунги кундаги энг асосий бурчи ва вазифаси деб билиши, бу жараёнда ўзини оддий томошабин эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ҳис этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Иккинчидан, кўзлаган марраларимизга етиш учун шу юртда яшаётган, онгли фикрлайдиган ҳар қайси инсон ўз масъулиятини чуқур англаган ҳолда, белни маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат қилиши даркор. Бу улуғвор мақсадлар барчамиздан — масъул лавозимда ўтирган раҳбар ва мутасадди ходимлар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, тинч ва осойишта ҳаётимиз посбонлари бўлмиш ҳарбийлар, лўнда қилиб айтганда, Ватанимизнинг келажаги билан ўз ҳаёти ва тақдирини чамбарчас боғлаган ҳар бир юртдошимиздан ўз зиммасига олган вазифани ҳалол ва сидқидилдан адо этишни талаб қилади.

2-бет

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ САДОЛАРИ

Мактабларда сўнгги қўнғироқ жаранглаган кун — 25 май нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ғамхўр устоз ва мураббийлари, ота-оналари учун ҳам чинакам шодиёнага айланди.

Жиззах шаҳридаги 11-умумтаълим мактабида ҳам бу кун байрамона кайфиятда ўтди. Бу ерга ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар, битирувчилар йиғилди.

...Байрамона тус олган мактаб ҳовлисида Ватанимиз мадҳияси янграйди. Тантанада Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом ва баркамол, чуқур ва мукаммал билимли инсонлар этиб вояга етказиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлашга давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг узвий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Таълим-тарбия жараёни сифат ва мазмун жиҳатдан янги поғонага кўтарилиш билан бирга ўқитувчи меҳнатининг қадри тобора ошмоқда.

Юртимизда янги мактаблар барпо этилиб, мавжудлари замон талаблари асосида таъмирланяпти. Айни пайтда уларни замонавий жиҳозлар, ўқув анжомлари, компьютер техникаси ва лаборатория ускуналари билан таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилинганидан буён Жиззах вилоятида янгидан қурилган, қайта реконструкция қилинган, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилган мактаблар сони 177 тага етди.

Жумладан, Жиззах шаҳридаги 11-мактаб биноси 2006 йилда реконструкция қилинди. Мактаб директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Муқаддас Жўраеванинг айтишича, уни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги мебель ва ускуналар, лаборатория асбоблари, компьютер синфлари, спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун саккиз юз миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, бу йил 9773 мактабнинг 9-синфини 642 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз тамомлаб, таълимнинг кейинги босқичига қадам қўйди. Айни пайтда 229 минг нафарга яқин 11-синф ўқувчиси ҳаётга йўлланма олди. Уларнинг таълим тизимининг келгуси босқичи билан қамраб олиниши, касб-ҳунар эгаллаши учун мамлакатимизда зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири



БОЗОРДА

(ҳазил)



Дунёда ҳар ишнинг бор ўз режаси,
Деҳқон ҳам кераксиз донни экмайди.
Бозорда ҳўкизин мақтар эгаси:
— Ичмайди, чекмайди...

Абдулла ОРИПОВ, 14 май, 2007 йил

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялашган

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДАСТУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учинчидан, шу муқаддас заминда биз ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибатлилик, албатта чидам ва бардошлилик, албатта шижоат ва фидойилик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

Тўртинчидан, биз мустақилликка эришгандан кейин қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин — бу иқтисодиёт ва сиёсат, давлат ва жамият қурилиши бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий ҳаёт бўладими — қўлга киритган улкан ютуқларимиз барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Лекин, бу муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан, ортиқча манманлик ва мақтанчоқликка берилмасдан, ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда йўл қўйган камчилик ва нуқсонларимиз, бой берган имкониятларимизни ҳам холисона тан олиб, улардан тегишли сабоқ ва хулоса чиқариб, келгуси фаолиятимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришимиз, керак бўлса, оқу қорани, дўсту душманни ажратиб олишимиз, доимо сезгир ва огоҳ бўлишимиз, қисқа қилиб айтганда, ён-атрофимизда ҳануз сақланиб қолаётган хавф-хатарларга очиқ кўз билан қараб, турли таҳдидларга бўш келмасдан, охир-оқибатда ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришишимиз шарт.

Бешинчидан, бизга ҳамиша маънавий куч-қувват берадиган миллий қадриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аждодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, эъзозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини тобора чуқурроқ англаб боргани сари барчамизнинг қалбимизда «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла олаяпмизми?» деган даъваткор сўзлар теран маъно касб этиши табиийдир.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу тўпламда чуқур асослаб берилган концептуал ёндашув ва қарашлар, амалий фикр ва хулосаларни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш бўйича устувор йўналиш ва ислоҳотларни амалга ошириш дастури, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу дастурдан бугунги жамиятимизнинг барча жабҳа ва қатламларида меҳнат қилаётган юртдошларимиз, бутун халқимиз ўзининг орзу-интилишлари, ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб топиши муқаррар.

(ЎзА)

❖ **ЎзХДП туман кенгашларида**

МУАММОЛАР БОР, АММО...

уларнинг ечими ўз қўлимизда, дея таъкидланди Ёзёвон туманида бўлиб ўтган давра суҳбатида

Ёзёвон тумани марказидаги Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳовлиси эрталабдан одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан тайёр маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва вилоят туманларидаги корхона, ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринлари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилган.

Коллеж мажлислар залида «Меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топиш ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили»да партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг асосий вазифалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда маҳаллий ҳокимлик, Фарғона вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда бошқа идоралар, ЎзХДП депутатлик гуруҳлари, БПТ раҳбарлари иштирок этдилар.

Суҳбатни вилоят партия кенгаши раиси Маҳаммадали Исоқов олиб борар экан, мавзунинг долзарблигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Баҳодир Норов асосий мавзу юзасидан маъруза қилди. Йиғилганлар аҳоли бандлиги муаммолари, бу борадаги долзарб масалалар юзасидан очиқ-ойдин, ошкора фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан вилоятда сезиларли ишлар амалга оширилганини эътироф этдилар. Бу борада, аввало, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎзХДП вакиллари ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатишлари зарур, дея таъкидланди мулоқотда. ЎзХДП депутатлари, депутатлик гуруҳлари аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича жойлардаги мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, янги иш ўринлари яратишда қўшимча захиралардан фойдаланиш каби масалалар юзасидан ўзларининг аниқ таклифлари билан чиқишлари лозим.

— Шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида туманимизда 426 та янги иш ўринлари яратилди, — деди Ёзёвон тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Тоҳиржон Исоқов. — 41 мингга яқин меҳнат ёшидаги аҳолиси бор туман учун бу кам эмас. Касаначиликни ривожлантириш борасидаги имкониятлардан кенг фойдаланиляпти.

— Ёзёвон туманида йирик саноат корхоналари деярли йўқ, — деди ЎзХДП Бувайда туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Ҳабибахон Тошматова. — Бу жиҳатдан бизнинг туманга ўхшайди. Хўш, бундай шароитда аҳолини иш билан тўлиқ таъминлаш учун нима қилиш керак? Бизда ҳозир маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил қилишга катта эътибор бериляпти. Бу биринчидан аҳоли бандлигини таъминлашга, иккинчидан, турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилаяпти. Демак, бу соҳага мамлакатимизда яратилаётган мавжуд имконият, имтиёзлардан фойдаланишга янада кўпроқ эътибор қаратсак, мақсадларимиз амалга ошади.

Шунингдек, давра суҳбатида сўзга чиққан Ҳайдар Мамажонов, ЎзХДП Тошлоқ туман кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Пўлатова, Ёзёвон туман кенгаши раиси ўринбосари, Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Музаффар Раҳматов ва бошқалар ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўтарилган ушбу масала ва соҳада эришилган ютуқ ҳамда муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ **Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати**

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

«ТОШҒУЗОР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА БИР КУН

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЗОҒХОНА ДОВОНИ

Дарбандга яқин жойдаги Зоғхона довонида тўхтаб, автобусдан тушдик. Бу ерда ишлаётган бир-биридан баҳайбат техникаларни кўриб, одамнинг ғурури тошади.

Масалан, асли ўзи бухоролик бўлган Улуғбек Облоев деган йигит бошқараётган «Komatsy» русумидаги бульдозер — Японияда ишлаб чиқарилган бўлиб, оғирлиги нақ 55 тонна экан. Мен ундан «Бу техника қанча тупроқ сура олади», деб сўрадим. У ҳазил-чин аралаш:

— Буми... жуда кўп, истаганча, — дейди кулиб.

Дарвоқе, бу довоннинг номи бекорга «Зоғхона» деб аталмаган. Зоғ деб қарға, қузғунни айтишади. Ривоят қилишларича, бу довонни бир замонлар овлоқ ва ўтиш ғоятда мушкул бўлганлиги учун қароқчилар макон қилишган дейишади. Нима бўлганда ҳам, шу атрофда яшайдиган кишиларнинг айтишларича, қиш кунлари бу ердан шунчалик катта тезлик билан эсувчи қор учқунлари аралаш шундай изғирин-шамол бўларканки, ҳатто енгил машиналарнинг ҳам ўтиши қийин кечар экан.

Ўзбек тракти қурилганидан сўнг ҳам ана шу довондан автомобиллар ҳаракатланишини қийинлигича қоларди. Чунки йўл жуда баланд қияликлардан, кескин бурилишлардан иборат эди. Минг бора шукрки, тик нишабликларни йўқотиш, йўлларни кенгайтириш, замон талабларига жавоб бера оладиган йўл барпо этиш учун бу ерда бугунги кунда улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Аниқроғи, бу ерда Андижон кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш участкаси йўлсозлари кунни тунга улаб меҳнат қилишмоқда.

Ишлар қўлами катта. Ўн беш километрлик узунликдаги йўл қурилиши учун 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, иш икки сменада ташкил этилган. Йўл аввалгисидан тўрт метрга кенгайиши билан бирга, довон қирқ метр пасаяди.

— Бунинг учун биргина тупроқ ишларининг ўзидан 1 миллион 250 минг куб метр ҳажмида иш бажаришимиз лозим, — дейди участка бош муҳандиси Озодбек Долимов. — Ихтиёримизда 30 та замонавий техникалар — экскаваторлар, «МАЗ» русумидаги юк машиналари ва замонавий бульдозерлар мавжуд. Улар ёрдамида ҳозир довон йўли пасайтирилмоқда.

— Асли қўқонликман, — дейди кўзлари нурга тўла, юзларидан шижоат балқиб турган ўзини Усмонжон Абдуллаев дея таништирган экскаватор ҳайдовчиси. — Насиба экан, Сурхондарёнинг ана шундай довонларида ҳам ишлаяпмиз. Ўзим 1974 йилдан буён экскаваторчиман. Ёрдамчим — Сиддиқов Исроилжон — шаҳрихонлик. Менинг эса эртага туғилган куним. Худо хоҳласа 52 ёшга тўламан. Ишимиз ёмон эмас. Нолийдиган жойимиз йўқ. Ойлик-маошларимиз 180-200 минг сўм атрофида, ўз вақтида олаяпмиз. Эскидан «Кўприк қур, йўл созла», деган гап қолган. Ҳаётимнинг йўлсозлик билан боғланганига шукронлар айтаман. Мана, февраль ойидан буён шу ердамиз. Бундан аввал Қамчиқ довонида, Арнасой сув омбори қурилишларида ишлагандик. Ўйлаб кўрсам, юртимиздаги энг машҳур, энг катта қурилишлар сафида меҳнат қилаётган эканман. Бундан ғурурланаман. Янги темир йўл линияси тўла қувват билан ишга тушса, ҳали бу ерларда қанчаданқанча ўзгаришлар бўлади. Мана бу тоғлардаги не-не маъданлар, қазилма бойликларини қайта ишлаш мумкин. Шу тариқа янги йўллар билан — янги-янги имкониятлар кириб келади...

Очиғи, оддий экскаватор ҳайдовчисидан ана шундай ўринли, қалбга тегадиган гапларни эшитаман деб ўйламаган эдим.

— Қийинчиликлар ҳам бўлаётгандир, — сўрайман дилкаш, аскияга мойил суҳбатдошимдан, — янги соғиниб қолмаяпсизми ўзи?

— Соғиндим дегунча терлаган пешонамни 1-2 марта экскаватор кабинасига ураман, вассалом, — жавоб беради кулгисини босолмай суҳбатдошим. — Уни янга деманг, аксинча мени почча десангиз тўғри бўлади. Чунки аёлимиз деновлик, Ҳазорбоғдан. Сурхондарё фарзанди. Ҳар 15 кунда уйга бориб қолганимда ўзимча унга мақтанаман. «Биласанми, мен бекорга юрганим йўқ дейман. Сенинг Деновга бориб келишинг осон бўлиши учун у ёқда йўл созлаб ётибман. Сен автобусда ўтасанми, енгил машинадами, қийналмасанг бўлгани» дейман... Аслини олганда ҳам шундай катта ишларга ҳиссам қўшилаётганидан хурсандман. Оилада 5 нафар фарзанд эдик. Отам тракторчи ўтган. Мендан бошқалари олий маълумот олишди. Мен ота касбининг этагини тутдим. Худога шукр, 4 нафар фарзандим бор. Ҳаммаси уйли-жойли. Набираларим бор. Ҳали насиб этса бу йўллардан кўп ўтамиз. Ўшанда шерикларга мақтаниб қўямиз-да, бу йўлларни аканг қарағай қурган деб...

Усмонжон ака билан бўлган дилдан суҳбатдан у каби ишчиларнинг кайфияти баланд эканлигини яққол ҳис этдик. Кайфият аъло бўлгандан сўнг, ишнинг олға силжиши табиий.

«ТЕМИР ДАРВОЗА»ДА ПОЕЗД ИЗЛАРИ

Юқорига томон бир ярим чақиримча йўл босгандик, яна қизғин ишнинг устидан чиқдик. Пўлат изларини ётқизиш учун йўл текислаётган, улкан қоялар бағрини тилаётган техникаларнинг наъраси тутади.

Бу жой — Дарбанд. Бу макон ҳақида юртимизда эшитмаган одам кам топилса керак. Чунки жуда қадимий ва тарихда ҳам бу жой номи турфа манбаларда кўпдан-кўп тилга олинади. Хусусан, катта ўзбек трактидан шарқ томонда, машҳур «Чакчак» довонидан қуйироқ жойлашган «Темир дарвоза» хусусида кўплаб манбаларда ёзилган. Айниқса, бобомиз Амир Темур даврида Буюк ипак йўли орқали ўтган карвонлар фақатгина ана шу тоғ йўли орқали ўтган. Бутун тоғ тизмаси бўйлаб бошқа юрадиган йўл бўлмаган.

Бугун ана шу ғоят қадим жойда ҳеч қайси замонда бўлмаган ишлар, ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон темир йўллар компаниясига қарашли 13-сонли кўприк қурилиш отряди қурувчилари ишни уч сменада, шундай ташкил қилишганки, ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Аввало, Темир дарвозага яқин жойда поезд ўтиши учун улкан ер ости йўли — туннель бунёд этилаётган экан. Унинг узунлиги нақ 31 метр. Туннель устидан эса катта автомобиль йўли кесишиб ўтади. Ер ости муҳандислик ишлари ниҳоясига етай деб қолган. Сал юқорирокда, «Дарбанд» йўл патрул хизмати» масканидан кун ботиш томонда катта Шўроб дараси бор. Дара ичидан юришга юрак бетламайди. Негаки, қоялар баландлиги 140-150 метрларга етади, унинг юқорисидан гўё ҳарсанг тошлар думалаб тушадигандек туюлаверади.

Ўткир қилич мисол қояларнинг тиклиги боис, пастдан қаралганда, осмон бир парча бўлиб кўринади, холос. Даранинг узунлиги 2 километрдан кўпроқ, эни 10-20 метр бўлган бу тор дарадан ўтадиган қарийб ярим километрлик ёпиқ сойда — икки тармоқли сув йўли қурилмоқда. Ақл бовар қилмайди: Темир йўл ана шу сойнинг тепасидан 36 метр баландликдан ўтади! Ҳатто от-улов у ёқда турсин, инсон зоти пиёдаяёв юриб ўтолмайдиган бу дарадан поезд қатнашига ишонгинг келмайди. Лекин... бу ҳақиқат. Баланд қоялар бағри текисланиб, паст-баланд ғорлар, эртакларда-ги вақимали хандақлар монанд даралар ўрни тўлдирилиб, пўлат излар ётқизилмоқда...

Лойиҳа бўйича тоғдан тушадиган селлар оқиб ўтувчи ер ости йўлакларининг эни 15 метр, баландлиги 3 метрга яқин. Юзлари офтобда қорайиб кетган, аммо амалга ошираётган ишларидан нигоҳи ана шу қоялар каби виқорли бўлган қурилиш отряди бригадири Руслан Қаноатов шундай дейди: — Тоғдан келадиган селлар ана шу сув — туннеллари орқали оқиб ўтади. Яқинда жиддий бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Жуда катта сел келди. Агар сел ўтадиган — сув йўли бўлмаса, бу ердан темир йўлини ўтказишнинг асло иложи бўлмас экан. Бу ишнинг нечоғли аҳамиятли, стратегик аҳамиятга молик эканлигини ҳар бир ишчиларимиз ўз кўзлари билан кўришди. Шунинг учун умумий бетон ишлари тугагач, ер ости сув йўли устидан 30 метрлар қалинликда тош-шағал тўкилади. Ундан сўнг навбат — рельс ётқизишга келади. Тоғ чўққиларидан пастга тошлар кўчиб тушмаслиги учун эса махсус мосламалар ёрдамида қоялар ўртасида йўлак-йўллар ҳам барпо қилинмоқда...

...Ҳа, бу ишлар айтишга осон. Аслида ҳар бир метр, ҳар бир қарич темир изларни қуриш учун сизу биз хаёлимизга келтиришимиз қийин бўлган меҳнат, чинакам қаҳрамонликларга қўл урилмоқда...

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

(Давоми келгуси сонда.)

Суратларда: темир йўл қурилишидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

❖ **ЎзХДП: электорат манфаати**

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг ноанъанавий учрашуви бўлиб ўтди

Депутат одамлар ташвиши билан яшашни ўз зиммасига олган масъулиятли шахс. Шундай экан, бугунги шиддатли ривожланишлар замонида депутат бедор яшамоғи, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этмоғи лозим. Бу жараёнда депутатларнинг ўзаро фикр алмашуви муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, партиямиздан шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар вилоят педагог ходимлар ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтида жамулжам бўлишди. Улар шаҳар аҳолиси ва сайловчилардан тушаётган муаммолар ечимини топишда аниқ таклифлар билан чиқиш, ЎзХДП кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхонаси билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, тушадиган мурожаатларда кўтариладиган масалаларни ҳал этишда ҳамкорликни кучайтиришга доир фикрлар ўртага ташланди.

— Одамлар депутатлик фаолиятимизни албатта сарҳисоб қилади, — дейди халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Азиз Аминов. — Шундай экан, партиямизнинг Дастурида акс этган партиямизнинг электорати манфаати билан бевосита боғлиқ масалаларни ҳал этишда астойдил иш олиб бормоғимиз лозим. Сайловчилар биздан амалий ишларни кутяпти. Бундан буён галма-гал ҳар бир депутат ўз режаси ва олиб бораётган ишлари ҳақида депутатлик гуруҳи олдида ҳисобот бериб боради.

Шундан сўнг сўзга чиққан вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Фармон Тошев ва бошқалар бугунги кун депутатлари олдида турган асосий вазифалар, муаммолар ва уларнинг ечимига доир фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Бу ташаббуснинг бошланганги яхши бўлди, — дейди шаҳар Кенгаши депутати Дилором Мамедова. — Ноанъанавий тарзда ўзимизни-ўзимиз мониторинг қилиш мақсадида ташкил этилган бундай тадбирни энди тез-тез ўтказиб туришга келишиб олдик. Бу фаолиятимиз жонланишида ўз самарасини беради, албатта.

— Бундай йиғилишларнинг афзаллиги шундан иборатки, — дейди ЎзХДП шаҳар кенгаши раиси Дилбар Имомова, — биринчидан, депутатлар бир-бирларига юзма-юз ҳисобот берадилар, иккинчидан, муайян депутат фаолияти билан яқиндан танишиш имконияти туғилади. Учинчидан, ўша жамоадаги электоратимиз вакиллари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаймиз, фаолларимиз сафини кенгайтирамиз ҳамда машварат жараёнида янги аъзоларга партия гувоҳномалари тантанали тарзда топширилади.

Халқнинг ишончли вакили сифатида депутат сессияларда иштирок этар экан, ўз сайловчилари манфаати йўлида дадил фикрлар билан чиқмоғи керак. Бугун бўлиб ўтган ва келгусида изчил давом эттиришга қарор қилинган бу учрашув мақсади ҳам асосан сайловчилар ва электорат манфаатини янада самарали ҳимоя этишга қаратилган.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
Чароғ ДЎСТМАТОВА

Суратда: *шаҳар кенгаши депутатлари Заби Аҳмедов, Дилором Мамедова ва Шавкат Аҳмедов.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда фош этилмаган қасддан одам ўлдиришга оид жиноятлар юзасидан дастлабки тергов, тезкор-қидирув ҳамда бу борадаги прокурорлик назоратининг аҳволи, шунингдек, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июнда қабул қилинган «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўриб чиқиш амалиёти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилишга доир жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасида кўрилган чоралар туфайли бу тоифадаги жиноятларнинг сони бирмунча камайиб, уларни фош этиш аҳволи яхшиланди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ушбу жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув имкониятларидан самарали фойдаланиш, тергов ҳаракатларининг ҳар томонлама, тўлиқ олиб борилишини таъминлаш, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашуви жараёнини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш амалиёти аҳволи муҳокама қилинди Бу борада жамоатчилик билан ҳамкорликда муайян тушунтириш ва профилактика тадбирлари амалга оширилгани қайд этилди.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, айни пайтда мазкур масалага оид қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда ҳамда прокурор назоратини олиб боришда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кескин танқид остига олинган.

Маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаш ҳамда жазонинг муқаррарлиги борасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бориш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилишда вилоятлар прокурорлари ва ички ишлар вазирлиги органлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири

❖ Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

«УЛУҒ САЛТАНАТ» МОҲИЯТИ

Тарихдан маълумки, эл-юрт манфаати йўлида қилинган ишлар юзига ҳар қанча қора чизиқ тортилмасин, уни йўқ қилиб бўлмайди. Вақти келиб ҳақиқат барибир юзага чиқади. Мустақиллик шарофати билан Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур номининг оқланиши, ул зот ҳақида тарихий романлар яратилаётгани фикримизга яққол мисол бўла олади. Ёзувчи Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» романи ҳам ана шундай қутлуғ ишлардан бири бўлди. Бу асарнинг эътирофга молик жиҳатларидан бири шундаки, романда воқеалар тасвирида тарихийлик принципига риоя қилинган. Бу хусусият барча, яъни етакчи образлар қаторида, ҳатто эпизодик персонажлар тасвирида ҳам ўз ифодасини топган. Воқеалар тарихдан бир он ҳам узилмайди, доимо давр руҳи «қуршови»да берилади.

Инсонийликнинг муҳим белгиларидан бири, дўстликка садоқат, ўрни келганда улардан қўмагини аямасликдадир. Бундай фазилатга эга бўлган шахсга кишилар ишонади, унга садоқат кўрсатадилар. Шундай инсон, албатта, ўз мақсадига эришади. Чунки у ўзига тарафдорлар ва кўмакчилар орттиради. Ҳаётда эса инсон ҳамиша бир-бирига муҳтож. Бу борада Абу Наср Форобий шундай дейди: «Кишилар қандайдир ҳамжамият бўлишга муҳтожки, ҳар бири алоҳида тарзда унга муҳтожлик сезади». Амир Темур бу фалсафий ҳақиқатга амал қилади. Амир Ҳусайн Темурбек йигитларига атай кўп миқдорда товон солади. Унинг яқин дўстлари — Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз, Аббос баҳодир қипчоқ, Давлатшоҳ бахши уйғурлар борбудларини йиғиштириб берганда ҳам товонни қоплай олмайдилар. Шунда Темурбек кўмак беради. Бу борада ёзувчи ёзади: «Дўстларини музтарликда қолдирмаслик учун кешлик амир олтину кумушлардан иборат катта маблағ саришталади, ҳатто чорасиз қолиб Ўлжой Туркон оқанинг қимматбаҳо билакузук ва сирғасини ҳам кўшиб юборди, аммо Амир Ҳусайннинг очкўзлик ва ҳирси кучлилигидан қайтариб беришга кўзи қиймади. Яна уч минг динор керак эди.

Темурбек ўйлаб кўйган сўнгги чорасини қўллади: Сара арғумоқларидан ўттизтасини ажратиб товонга элтишларини бўюрди». Бироқ Темурбек товондан қутилдим, деб ўғли Жаҳонгир Мирзо билан хотиржам ўтирганида Амир Ҳусайндан чопар келади ва дейди: «Мовароуннаҳр ҳукмдори олампаноҳ шундай дедилар: «Менга нақдина лозим... Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи қошига дурри якто қизи Хонзода хонимни сўраб совчи юбормакчимен. Катта арзигулик сармоя зарур...» Хонзода хоним исмини эшитган Жаҳонгир Мирзо бир хил бўлади. Ҳаяжондан кўзлари қизаради. Бундан Жаҳонгир Мирзонинг маликада кўнгли борлигини сезамиз. Шу тариқа романга севги чизиғи кириб келади. Бу ҳол сўзсиз романга жозиба бағишлаган. Чунки бу сюжет чизиғи орқали салтанатдаги аёллар дунёсига кириб борамиз. Уларнинг маънавиятидан, яъни мартабали инсонлар, киборлар жамиятининг одоб-ахлоқидан кўнглимиз кўтарилади. Ўзбек ўзлигининг илдизи қаерда эканлигидан огоҳ бўламиз.

Амир Темур бирорта ишни кенгашсиз қилмайди. Кетма-кет ғалаба қозониши шундан. Унинг одамни синаш йўли ҳам ўзига хос. Шубҳа қилган одамига кенг эркинлик, ҳатто амал ҳам беради. Лекин назоратдан қочирмайди, тафтиш қилдиради. Синовдан ўтганларга аввалгидек самимий бўлиб қолади. Ўтмаганларни дарров жазоламайди, кечиради. Бу инсонийликдан далолатдир. Бу хусусиятлар романда ўз мужассамини топган.

Ўн тўрт яшар Жаҳонгир Мирзонинг жанг майдонидаги жонбозлиги, вазиятни синчковлик билан англаши, ақл билан иш тутиб, хавфни бартараф қилиши, дайди ўқ келиб оёғига санчилганда ҳам чидаши каби воқеалар ёш авлодга кўп нарса бериши шубҳасиздир.

Амир Темурнинг ўз яқинларига, фарзандларига, айниқса, опаси Қутлуғ Туркон оқа, жиянлари, келинларига муносабати, мурувватлари ҳақиқий ўзбек менталитетини намойиш қилади.

Романда Жаҳонгир Мирзо ва Хонзода хоним ҳаёти билан боғлиқ бўлган тасвирлар киши қалбини яшнатиб юборади. Бир-бирига мос, бир-бирига интиқ ёшларнинг қовушиши кишини қанчалик хурсанд қилса, йигирма яшар шаҳзоданинг касалдан кун-дан-кун сўлиб бориши ва фарзандини қўлга олишга мадори етмай, бурнидан қон отилиб, жон таслим қилиш ўринлари Хонзода хонимнинг юрагини қанчалик тилка-пора қилса, қуёнишлари киши қалбини шунчалик вайрон қилади. Лекин Жаҳонгир Мирзонинг жанг-даги жонбозлиги, мардлиги, Хонзода хонимнинг дуғоналарининг билим юзасидан савол-жавоблари киши қалбида нақшланиб қолади. Бу уларнинг адолат, эзгулик йўлидаги аъмоллари, маънавияти, гўзаллигидир. Ёзувчи талқинида уларнинг қисмати шундай фалсафий ҳақиқатни англатади.

Романнинг иккинчи. китоби «Умаршайх Мирзо» Олтин Ўрда хони Ўрисхоннинг машварати, унга сўз қайтарган Тўхтамишнинг отаси Тўйхўжанинг ясоққа етказилиши воқеалари билан бошланади. Кўп тарихий воқеаларнинг очиб берилиши билан бирга, асарга шахслар, жумладан Амир Темурнинг табиати, шахсиятининг янги қирраларини инкишоф қилишга, шунингдек, сюжет кўлами кенгайишига имкон берадиган Тўхтамишхон характери кириб келади.

Инсоннинг инсонийлиги фақат у қилган яхши аъмоллардагина эмас, балки инсоний туйғулар билан ҳам белгиланади. Яъни одамлар фожиасидан, бахтсизлигидан чиндан куюниши, изтиробга тушиши кишининг эзгу қалб кишиси эканлигидан аломатдир. Амир Темур ана шундай инсон сифатида тасвирланади романда. Жаҳонгир Мирзонинг ўлими, ўн етти ёшида гўзал келини Хонзода хонимнинг тул қолиши унинг қалбини беҳад эзади. Бу ҳолатлар романда таъсирли ва ҳаққоний берилгани учун Соҳибқирон шахсига нисбатан меҳр уйғотиши, унга нисбатан аввалги қарашларни тўзғитиб юбориши билан бирга, инсон қалбини поклашга хизмат қилади.

Мингқишлоқ ҳокими Тўйхўжанинг ўғли Тўхтамиш отаси қатл қилингач, Ўрисхондан ўч олиш йўлида қилинган уриниш барбод бўлгач, паноҳ истаб келганда Амир Темур яхши кутиб олади. Бунга Жаҳонгир Мирзонинг йўқотиш жароҳати битмаганлиги ҳам сабаб бўлди. Негаки, «Тўхтамиш ўғлоннинг Жаҳонгир Мирзоникидек залворли эмас, ингичкароқ, бироз ёқимсизроқ овозини демаса, Тўхтамиш ўғлон қуйиб қўйгандай... Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи эди: бўйи ҳам, келбати ҳам!.. Амир Темур беихтиёр «Хуш келибсиз, ўғлим! Хуш келибсиз!» деб юборди.

Катта зиёфат берилгач, сонсиз совғалар тақдим этилади. Улар ичида соҳибқироннинг энг севимли учқур оти Хонўғлон ҳам бор эди. Кейинчалик Хонўғлон бадиий образ даражасига кўтарилади. Чунки у ўзида фалсафий ва ижтимоий маъно ташиш билан бирга, Тўхтамиш туфайли бошига тушган азоб-уқубатлари одамийнамо саъй-ҳаракатлар билан уйғунлашиб, инсонийлашади.

Инсоният ҳамиша бир-бирига таъсир омилидир. У ҳатто оламдан кетганида ҳам ўз функциясини бажаради, яъни одамларнинг бир қадар кўзини очиб кетади, айниқса, яқинларнинг. Умаршайх Мирзо оғаси Жаҳонгир Мирзо вафотидан энди кўп нарсага ўзини масъул сезади, отасидан кейин жавобгарлигини ҳис этади. Шундан отасининг Тўхтамишга қилган мурувватидан ранжийди. Чунки у Тўхтамишнинг палид ният билан Амир Темур олдига келганлигини қалбан ҳис қилган эди. Амир Темур кўмагида тахтга ўтирган кунидан бошлаб ниятини амалга ошириш учун атрофига тарафдорлар йиға бошлади, кучларни бўлиш учун турли ҳийлалар ишлатди. Лекин ўйлаган ишининг бирортаси ҳам амалга ошмайди... Тўхтамиш жанг майдонини ташлаб қочади. Лекин бу сафар ҳам айланма эгри йўл Умаршайх Мирзога панд беради, у эса қочиб қутилади. Бу ерда эгри, айланма йўл рамзий маънога эга. У Тўхтамишхоннинг қисматига ишора. Чунки айланма, эгри йўлнинг охири берк бўлади. Бундай йўлнинг масофаси қисқадир.

Ҳар қандай бадиий асарнинг қиммати унинг сабоғи билан ўлчанади. Яъни, китобхонга, халққа, миллатга, умуман инсониятга нима беролгани китобнинг қадрини, умрини белгилайди. «Улуғ салтанат» энг аввало, Амир Темур ҳақида янада кенгроқ билиш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш имконини беради. Иккинчидан, асарда улуғ бобомиз даҳоси тарихий воқеа-ҳодисалар асосида бадиий бўёқларда жуда қизиқарли ва ишонарли тасвирланади. Бунинг учун муаллифдан ҳам чуқур билим, ҳам юксак маҳорат талаб этилганини пайқаш қийин эмас. «Улуғ салтанат» тарихий роман-диологияси Соҳибқирон Амир Темурнинг эпик образини яратиб берганлиги ҳамда юқоридаги фазилатлари билан, шубҳасиз, юксак Давлат мукофотига лойиқдир.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
Низомий номидаги ТДПУнинг профессори, филология фанлари доктори

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Термиз тумани, «Дўстлик» ширкат хўжалигидаги «Ягона қабуллар уйи» иншоотининг 2-босқич қурилиши ишларини амалга ошириш (Бош корпус: ташқи ва ички пардозлаш, поллар, эшиклар, витраж, ички муҳандислик тармоқлари ва ошхонанинг технологик ускуналари)

Иншоотнинг қурилиш муддати — 90 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 22-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

❖ Табиат ва инсон

САЙХУН СОҲИЛИДА ҚЎРИҚХОНА

Табиатда шундай қонуният бор — бутун борлиқ битта тизимда ҳаёт кечиради. Экотизим эса ҳудуд, чегара билмайди. Жумладан, фаунанинг ҳаёт кечириши кўп жиҳатдан атроф-муҳит, экологиянинг тозалигига боғлиқ. Зеро, Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияга қўшилди.

Биламизки, республикамизнинг ҳудуди асосан чўл, чала чўллардан иборат. Демакки, ҳудудимиз фаунасида чўл ҳайвонларининг аҳамияти катта. Қолаверса, наинки республикамизда, балки минтақада ягона, камёб ҳайвонларни кўпайтириш, уларни сақлаш ва репродукция қилишга ихтисослашган «Жайрон» экомаркази ҳам алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуд мақомига эга. Кейинги йилларда Сирдарё ва Жиззах чўллари ерларнинг шўрланиши, деградация, экологиянинг бузилиши, ҳайвонот олами масканларининг кескин қисқариб, фаунанинг қашшоқланишига олиб келмоқда.

Бинобарин, воҳанинг фаунасини ҳимоялаш, камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва қушлар турларини кўпайтириш мақсадида Сирдарё вилоят Сайхунобод туманида «Сайхун» ноёб ҳайвонлар ва қушларни кўпайтириш хўжалиги ташкил этилди. Хўжалик 384 гектар майдонни эгаллайди, унинг 187 гектарини эса «Сайхун» кўли эгаллаган.

«Сайхун» хўжалигига юртимизнинг турли ҳудудларидан, Қизилқум ноёб ҳайвонлари, қушлар келтирилди. 2006 йилда хўжаликда 300 та ўрдак кўпайтирилиб, очиқ табиатга қўйиб юборилди, Бухоро буғуларини сақлаш учун махсус жойлар қурилди. Бухоро воҳасидан 3 та жайрон олиб келиб парваришланяпти. Шунингдек, ўтган йили Сирдарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 1500 та ёввойи ғозлар урчитилди ва табиатга қўйиб юборилди.

«Сайхун» хўжалигида бугун минтақамизнинг турли бурчакларидан келтирилган йўқолиб бораётган ноёб ҳайвон турларини учратиш мумкин. Саудия Арабистонидан эса «Соҳибжамол Грака» — ноёб қуши келтирилиб, инкубациялар ташкил қилинди. Хўжаликда ноёб, турлари йўқолиб бораётган ёввойи қушлар тухум очдириб, ҳайвонлар урчитиб, табиат қўйнига чиқариб юборилади. «Сайхун» кўлида турли-туман балиқлар турлари ҳамда ботқоқ қушлари кўпайтириляпти.

Бугунги кунда хўжаликда ҳудудимиз флора ва фаунасини муҳофазалашда тизимни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳам муҳимдир. «Сайхун» хўжалигида хонгули ва жайронларни кўпайтиришга мўлжалланган вольер қурилишлари, компьютерлар, ўта аниқ ва таҳлилий назорат олиб бориш учун замонавий асбоб-ускуналар, геоахборот тизимлари, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қадастрлар юритиш, биохилма-хилликни асраш ва бойитиш, экологик таълим, кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ҳозирги пайтда Сирдарё дарёсининг муҳофаза майдонларига 12 минг туп иҳота дарахтлари экилди. Маълумки, чўлдаги экологик танг вазиятни юмшатишда ҳудудда фитомеморация ишларини амалга ошириш яхши натижа беради. Авваллари ҳудудга Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидан чўл ўсимликлари кўчатлари олиб келиб экиларди. Бугунги кунда «Сайхун» хўжалигининг чўл ўсимликлари кўчатхонасида вилоят ҳамда қўшни ҳудудларга маҳсулот етказиб бериляпти. Натижада ҳудудда «Экология боғлари» барпо бўлди.

— Ҳудудимиз флораси ва фаунасини муҳофазалаш, йўқолиб кетаётган ноёб ҳайвонлар ва ўсимликларни ҳимоялаш, кўпайтиришда, айниқса, аҳолининг экологик маданияти муҳим ўрин тутади, — дейди биз билан суҳбатда Сирдарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Олимжон Бегиев. — Афсуски, ҳайвон, қуш, ўсимликларнинг табиатимизда ноёб, йўқолиб кетаётган эндем пиёз турларини аҳоли пайҳон қилиш ҳолатлари, афсуски, учраб турибди. Табиатни, флора, фаунани асраш, ҳимоялаш яхши, аммо уни севиш, меҳр-шафқат билан муносабатда бўлиш энг катта савоблардан эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳозирги пайтда дунёдаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда экосайёҳлик тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Экотуризм мамлакатнинг иқтисодий юксалишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади. Айни пайтда «Сайхун» хўжалигида 47 та дам олиш маскани мавжуд. Экосайёҳлар учун шарт-шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, одамзот табиатнинг ажралмас бир бўлаги. Ҳайвонот, ўсимликлар оламига меҳр-шафқатли бўлиш орқали биз, асли, табиат — умумуйимизни асраб қоламиз...

Саида САЙХУН

95 МЛРД. ДОЛЛАР АЖРАТИЛДИ

АҚШ конгресси Оқ уй билан олиб борилган тўрт ойлик қаттиқ курашдан сўнг Ироқ ва Афғонистондаги амалиётлар учун жорий молия йилида қўшимча маблағларни ажратишга қарор қилди. Қонун лойиҳасида Ироқ ва Афғонистондаги амалиётларга жорий молия йилида 95 млрд. доллар ажратиш кўзда тутилган. АҚШда жорий, 2007-молия йили 31 сентябрда якунланади. Ироқ ва Афғонистондаги урушлар учун қўшимча харажатлар ҳақидаги қонун лойиҳаси аввал вакиллар палатаси (280 овоз — «рози» ва 142 овоз — «қарши»), сўнгра сенат (80 овоз — «рози» ва 14 овоз — «қарши») томонидан қабул қилинди, дейилади ИТАР-ТАСС хабарида.

ФОЖИАГА САБАБ

Новокузнецкдаги «Юбилейная» шахтаси ҳафталаб метаннинг меъёрдан зиёд тўпланиб бориши шароитида ишлаганлиги ҳақидаги маълумот ўз тасдиғини топаяпти. Газ таҳлили тизими кўмир конвейерини тўхтатмаслиги учун унинг атайин бузилганлиги айтилмоқда. Кончиларнинг тасдиқлашларича, ишдан бўшатиб юбориш таҳдиди остида ушбу тизим кўрсаткичлари меъёрга қадар орқага айлантирилган.

Пайшанба куни «Юбилейная» конида рўй берган метан портлаши маркази 570 метр чуқурликда бўлган. Портлаш чоғида конда 217, портлаш марказида эса 40 га яқин киши бўлган. 38 киши ҳалок бўлган, 179 киши қутқарилган. Қурбонлар сони ошиши мумкин, касалхонага ётқизилган етти кончидан иккитасининг аҳволи жуда оғир. Ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги шанбада дафн этилади. Кузбассда 26 май Мотам куни деб эълон қилинди. Шахтада эса тиклаш ишлари кетмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, 20-25 кундан сўнг конда ишни бошлаш мумкин.

УЙИ ЁНИДА ПОРТЛАДИ

Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг ракетаси Фаластин бош вазири Исмоил Хания уйи ёнида портлаган. Фаластин мухторияти хизмати ахборотига кўра, ракета Хания кўриқчилари турадиган уйга келиб тушган, зарба чоғида бу ерда ҳеч ким бўлмаган.

ЦАХАЛ қўмондонлигининг фикрича, ракета ХАМАС томонидан фойдаланилаётган қочоқлар лагеридаги бинога йўналтирилган, бош вазир қароргоҳининг у билан ёнма-ён жойлашганлиги тасодиф бўлган. Ханиянинг ўзи ракета тушган жойни кўришга келганида соқчилари уни хавфсиз жойга олиб кетишган, чунки Исроил самолётларининг парвози ҳамон давом этаётганди. Бундан бироз муқаддам исроилликлар Ғазо минтақаси жанубидаги нишонларга қарата тўртта ракета зарбасини берганди. Шу куниёқ фаластинликлар Исроилга қарата 11 та «Қассам» ракетасини учирган.



ЭЛЛИКТА САМОЛЁТ СОТИБ ОЛИНАДИ

«Air France-KLM» гуруҳига кирувчи Франциянинг «Air France» компанияси 7 миллиард доллар миқдорида самолётлар харид қилади. Буюртма жаҳондаги иккита энг катта «Airbus A 380», шунингдек, ўрта ўлчамли 30 та «A 320» ва 18 та йирик «Boeing 777» ҳаво кемаларини ўз ичига олади. Маълумки, «Air France» 2004 йилда Голландиянинг «KLM» компанияси билан қўшилганди, бироқ авиаташувчилар ҳозиргача турли самолётлар ва шахобчалардан фойдаланиб келишаяпти. Ҳозирги вақтда «Air France-KLM» ташилган йўловчилар сони бўйича Европада биринчи ўринни эгаллаб, даромад олиш юзасидан жаҳонда етакчилик қилмоқда. Куни кеча авиакомпания ўз даромадининг бир йилда 32,5 фоизга ўсганлигини маълум қилди.

САККИЗ ЙИЛГА ҲУКМ ЭТИЛДИ

«Coca-Cola» департаментларидан бири раҳбарининг собиқ котибаси Жоя Уильямс компания махфий маълумотларини ўғирлаганликда айбдор, деб топилиб, саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. Уильямс ишини кўриб чиққан Атланта штати федерал округ судьясининг фикрича, собиқ котиба раҳбариятнинг ўзига нисбатан адолатсизлика йўл қўйган, деб ҳисоблаб компанияга зарар етказишга уринган. Компанияда ишлаб юрган кезларида у хизмат вазифасидан фойдаланиб, махфий ҳужжатлар ва маҳсулот намуналарини олиб чиқиб кетган. Уильямс ва унинг икки гумаштаси корпоратив сирларни Coca-Colaнинг асосий рақиби — «PepsiCo»га сотишмоқчи бўлишган. Лекин «PepsiCo»чилар бундай таклиф тушиши биланоқ ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этишган.

МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА

Исроил Бош вазири Эҳуд Ольмерт тинчлик жараёнини бошлаб юборишга замин тайёрлаш мақсадида Сурия билан махфий алоқаларни ўрнатиш учун тайёргарлик олиб бормоқда, деб хабар беради «Maariv» газетаси. Унинг маълумотларига кўра, бир неча хорижий дипломат Сурияга ташриф буюриб, президент Башар Асадга Эҳуд Ольмерт номидан саволларни топширган. Айни чоғда Исроил ҳукумати бошлиғи АҚШга мурожаат этиб, Вашингтонни агар Исроил-Сурия музокаралари бошлангудек бўлса, бу Американинг Яқин Шарқдаги манфаатларига мос келишига ишонтира олган, деб қайд этади Исроил нашри. Ольмерт Сурия билан музокаралар Эронни яккалаб қўйишга ёрдам беради, деган умидда.

ҚАВАТЛАРИ АЙЛАНУВЧИ ОСМОНЎПАР БИНО

Архитектор Дэвид Фишер Бирлашган Араб Амирликлари учун меҳмонхона, уйлар ва офислар жойлашадиган кўп қаватли уй лойиҳасини тайёрлади. Бинонинг хусусияти шундаки, ундаги жами 68 қават бир-биридан қатъи назар 360 градусга айланади. BBC телекомпанияси хабарича, бунинг учун шамол қувватидан фойдаланилади. Лойиҳага кўра, бино шамолдан электр қувватини ҳосил қилади ва шундан ўндан бирини ўзига сарфлайди.

Дэвид Фишер ўз лойиҳаси концепциясини тушунтирар экан, бўлажак осмонўпар бинони рақкосага ўхшатган. Архитектура санъати асарини у «Да Винчи минораси» деб аташга қарор қилди.



Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 22 май сонида берилган 9114-ҳарбий қисм танлов савдоси ҳақидаги эълонда «Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:» сўзларидан сўнг «ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари» сўзлари қўшиб ўқилишини маълум қилади.

НАМАНГАНДА АНЪАНАВИЙ МАШРАБХОНЛИК

БУ ГАЛ ҲАМ КАТТА АДАБИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ АНЖУМАНИГА АЙЛАНДИ

Аслида наманганликлар анъанавий машрабхонликни Наврўзолди тадбирларидан бошлайдилар. Дастлаб Боборахим Машраб номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғида ҳашар ўтказилади. Байрам сайилларида шоир байтлари янграйди. Тадбирлар шаҳар марказидан қишлоқларга ёйилади. Янгиқўрғон туманининг Поромон қишлоғида шоир-мураббий Робиддин Исҳоқов уй-музейида ўтказиладиган вилоят ижодкорларининг «Поромон анжумани» пойтахтдан ва қўшни вилоятлардан ташриф буюрадиган шоир-ёзувчилар гурунги миллий ғоя, инсоний қадр-қиммат, буюк ишқ қисмати билан уйғун маънавий-маърифий тадбирга айланади.

Бу галги машрабхонлик тадбирларида Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Иқбол Мирзо, таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровлар иштирок этишди. Шоир номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган асосий анжуманда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов сўзга чиқиб, Машраб қадамжолари бўйлаб экспедиция ташкил этиш билан боғлиқ режалар ҳақида алоҳида тўхталди. НамДУ доценти, филология фанлари номзоди Алихон Халилбековнинг Машраб ижодининг ҳали ўрганилмаган бадиий қирралари ҳақидаги маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Вилоят ҳокимининг қарори асосида Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбарлигида ўтаётган ушбу тадбирлар шоирини эъзозлаётган юртга янги истеъдодлар кашф этиб бериши шубҳасиз.

Машрабнинг устози Мулла Бозор Охунд мақбара мажмуида амалга оширилган кенг кўламли таъмирлаш ишлари анъанавий машрабхонлик режа-дастурининг амалий кўринишларидан бири. Чунки анъанага мувофиқ ушбу тадбирлар шу даргоҳдан бошланади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

М.Қодиров (ЎзА) олган суратлар.



Буюк ипак йўлида жойлашган кўҳна ва навқирон Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳардаги қирқдан ортиқ иншоотда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Ёпиқ сузиш ҳавзаси, Ёшлар хиёбони, Маҳалла гузари каби янги объектлар шулар жумласидандир.

Шаҳардаги Пирсиддиқ мажмуи, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи каби тарихий-маданий ёдгорликлар бутунлай қайтадан таъмирланмоқда.

Пирсиддиқ мажмуи Марғилон шаҳрининг энг қадимий масканларидан. Бу ердаги катта қурилиш ва ободонлаштириш ишларини Қўқон шаҳридаги «Муштарий» масъулияти чекланган жамияти усталари амалга оширмоқда.

Суратларда: атлас тўқувчи Абдулазиз Исоқов ҳам бу кутлуғ байрамга ўз тўёнасини тайёрлаяпти; шаҳардаги янги қурилиб фойдаланишга топширилган 32-умумтаълим мактаби ва Пирсиддиқ мажмуи кўриниши.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon,ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
11330 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 21.35
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda

❖ Хотира — муқаддас

ЎЧМАС ЧИРОҚ ЁҚҚАН ШОИР

Дунёда камсуқум, камтар, беғубор одамлар кўп, айниқса, ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар орасида. Ана шундай инсонлардан бири шубҳасиз, шоир Тилак Жўра эди. У ҳаммага доим яхшилик қилишни, ҳеч бўлмаганда эзгулик соғинишни хуш кўрарди. Мусичадек беозор, ўзи билан доимо қуёшни елкалаб, ҳар бир қалбга шодлик улашиб юришни яхши кўрарди.

Тилак Жўра айтган ҳар битта сўзнинг ўзи шеър эди. У қаламга олган мавзуларида қишлоқ одамларининг софдиллиги, беғубор, соддалигини самимий акс эттиришга ҳаракат қиларди.

Албатта, Тилак Жўра ҳақида сўз кетганда у кишининг устози, раҳматли аллома Ғайбулла ас-Саломни ҳам тилга олиш жоиз. Чунки домла Тилак Жўрага оталарча меҳрибонлик кўрсатиб, шогирдини ҳар томонлама етук бўлишига раҳнамолик қилди. Адабиёт майдонида ўз ўрнини топишга йўл кўрсатди. Камтаринликни, самимиятни ўргатди. Бу икки ижодкор ўртасидаги меҳр-оқибат, инсонийлик тушунчалари кўпчиликка ибрат бўлди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Сизга ҳавас қилиб шоир бўлганман» шеъри ҳам айнан Тилак Жўрага бағишланган бўлиб, унда ҳақиқат ва ҳикмат мужассам. Ҳаёти ҳам, ижоди ҳам бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлган икки шоир ўзбек шеъриятида ўз мактабларини яратди ва афсуски, бу дунёни ҳам биргаликда эрта тарк этишди.

Тилак Жўра бор-йўғи 47 йил умр кўрди. Аммо яхшининг чироғи ўчмайди, деганлари рост экан. Бугун унинг номи тилларда, дилларда яшамоқда. Дарҳақиқат, адабиёт ва ҳаёт йўлларидан мардона ўтиб, абадият чорраҳасига ўчмас чироқ ёққан шоирга ўлим йўқ. Унинг дилбар шеърлари, оташин ғазал ва достонлари қимматли мерос сифатида миллат мулкига айланиб, мангулик даъвати бўлиб жаранглайверади.

Ғофир ҚУРБОН

✧ ✧ ✧

Чайқалиб ётибди нурли бир чаман,
Ой билан офтобнинг буюк ватани.
Тонг каби жилмайиб баҳти очилган,
Майсаға кўмилиб нурли бадани.
Осмон посбонидир бунда бургутлар,
Чумчуқ чуғуридан тешилади том.
Бу ўлка кўксида ёнар булутлар,
Чинор шохларига кўнганида шом.
Не-не дарёлар бор, юғуриб-елиб,
Уммонда қолларлар бир умр яхлаб.
Бу чаман бағрига дарёлар келиб,
Заминга сингарлар, ғўзадай шохлаб.
Кўз ёшдек тиниқдир бу элда осмон,
Шафтоли шохлари қайрилган онда.
Нақш олма юзига юғурганда қон,
Офтоб ҳам осилиб, толар армонда.
Бу элнинг қадимий ҳар қўшиғида,
Бежиз олтин дея аталмас тупроқ.
Симёғочга қўнган қуш тумшуғида,
Тилладай нурланиб турибди бошоқ.
Чайқалиб ётибди нурли бир чаман,
Юлдуздай сочилиб оламга шони.
Фидойи ўғлингман, ёниб ўпаман,
Олам остонаси — Ўзбекистонни.

Тилак ЖЎРА

❖ Ўтмиш сабоқлари

БИР ҲОВУЧ ҚУЛУПНАЙ ...

1944 йилнинг баҳори эди... Амаким «ишчи батальон»ида «Чирчикстрой»да ишлар ва ҳар ҳафтада келиб, бир буханка нон ташлаб кетарди. Унинг хотини Ҳазифа ая эса бу нонни фақат икки ўғлига едирар, ўзи эса кундан-кун озиб-тўзиб борарди. Яхшиямки, атрофда қўни-қўшнилари бор экан, ўшалар ҳолидан доимо хабар олиб туришарди. Жуда ориятли бўлгани учун қариндош-уруғларга ҳам сир бой бермасди.

Бир куни ойим билан кўргани чиқдик. Айвонда кўрпача ташлаб ёнбошлаб ётган экан. Қувватсизланганидан бояқишнинг қўллари қалтирарди.

— Вой айланай овсин, хўп келдингиз-да, кўзларим йўлингизга интизор эди, — деди-да туриб ўтиришга чоғланди. Бироқ, мадори етмади. Онам опоқимнинг аҳволи оғирлигини сезиб, сўрашишни ҳам қисқа қилди-да:

— Айланай овсин, мана шу нонга оғзингиз тегсин, кечагина ёпгандим, — деб зоғора нонни ушатдилар. У эса нонни зўрға тамшаниб ютди.

— Чой қўйишга ҳам эриниб тургандим, самоварга олов ёқиб юбора қолай, — деб ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди. Онам эса уни ўринтирмай, айвон четида турган самоварнинг кулини қоқиб туширди ва тарашани майдалади-да олтингугуртни амаллаб ёндириб, чой қайнатишга уринди. Самовар карнайини қўйишлари билан олов гувиллаб ёна бошлади. Чой қўйилаверганлигидан оловдони юпқалашиб қолган самовардаги сув ҳам дарров қайнади.

— Айланай, қайси куни қулупнай «оқариб» қолибди дейишганди, қаранг-чи қизаргандир. Учтўртта териб чиқинг, — деди.

Мен ойимнинг орқасидан эргашдим. Ойим палакларни титкилаб, эндигина ранг кирган қулупнайларни пиёлага тера бошлади. Ҳар қанча хархаша қилишимга қарамай атиги бир донасини менга бердилар-да, айвон тарафга йўл олдилар.

— Овсин, қуруқ чой ҳам қолмабди. Беҳининг пўстлоғидан чойнакка сола қолинг, ҳиди яхши чиқади...

Ойим дарахт пўстлоғини пичоқ билан қириб олдилар-да, чойнакка солиб дамлади.

— Чой дам егунча қулупнайдан оғзингизга солинг, маза кириб қолибди, — деб ойим қулупнайдан узатдилар.

— Худога шукр-ей, қулупнайга ҳам оғзим тегди, омонлик-соғлиқ. — У бу сўзларни зўрға айтди.

— Овсинжон, бир-икки кун сабр қилиб туринг, мулла акам келиб қолар, — дедилар уларни юпатишга уриниб, — ўзлари билан зора нон олиб келсалар. Ҳадемай, «қизил сигир» (қулупнайни шундай дейишади) «туғади» яна мўл-кўлчилик бўлади, шунда ўзим тандиртандир нон ёпиб бераман.

— Ўша кунларга етарми-канман?..

— Етасиз, худо хоҳласа етасиз, — деб юпатдилар ойим.

Опоқим эса онамнинг бу гапларидан кўнгли тўлди шекилли, бошини силкитиб, кўзларини оҳиста юмди.

Эртаси эрталаб хабар келди, Ҳазифа ая бандаликни бажо келтирибди.

Мен ҳамиша тўкин дастурхон атрофида ўтирганимда ўша даврларни, бу аламли воқеани бот–бот эслайман. Не-не одамларнинг бир бурда нон илинжида дунёдан ўтиб кетганлигини ўйласам, раҳматли аянинг мунгли боқишлари кўз олдимда гавдаланади. ...Бугунги кунимизга, фаровонликка минг бора шукроналар айтаман. Тўқликка-шўхлик дегандай айрим одамларнинг нонга муносабатини кўриб, дилим оғрийди. Тинчликнинг, тўкинчиликнинг қадрига етмаслик инсофдан эмас, деб ўйлайман. Бир бурда нонинг қадрига етсак, бир-биримизни меҳр билан аввайласак, хонадонимиз ҳам, юртимиз ҳам файзли, барокатли бўлишига ишонаман.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси

❖ Интер-спорт

МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЖАРИМА

Халқаро Олимпия қўмитаси Австрия Олимпия қўмитасини Турин шаҳрида ўтказилган қишки Олимпия ўйинларида юз берган допингдан фойдаланиш билан боғлиқ жанжал якунларига кўра, миллион доллар миқдорида жаримага тортадиган бўлди. Халқаро Олимпия қўмитаси Австрия спорт раҳбариятига бу жанжални охиригача муҳокама қилиш, бу ишга мураббий, шифокор ҳамда терма жамоа расмий вакилларининг қандай алоқаси борлигини аниқлашни топширди. Текширувлар натижаси шу йилнинг 30 июнига қадар маълум қилиниши керак.

Эслатиб ўтамиз: Туриндаги Олимпия ўйинларида австриялик чанғичилар Мартин Тауберг, Юрген Пинтер, Йоханнес Эдер ва Роланд Дитарт, шунингдек, биатлончилар Вольфганг Пернер билан Вольфганг Роттманнлар допинг истеъмол қилиб, ўйинларда иштирок этганликлари шубҳа остига олинган эди.

ШЕВЧЕНКО ҲАҚИДА УЙДИРМА ГАПЛАР

Чемпионлар лигаси учун кураш финалида «Милан» ва «Ливерпул» клублари ўртасида ўтказилган учрашув (2:1) олдидан «Челси» тўпурари Андрей Шевченко ҳақида қизиқ гаплар тарқатилган эди. «The Sun» нашрининг ёзишича, Андрей Шевченко «Милан»га ўтишга розилик берган эмиш. Италия томони Шевченкони ҳар қандай шароитда «Милан»га олиб келиш учун саъй-ҳаракат қилаётганлиги айтилди. Маълумки, Шевченко «Челси»га 2006 йилнинг май ойида ўттиз миллион фунт стерлингга сотиб олинганди. У бу клубда 52 та учрашувда иштирок этиб, дарвозага 14 та тўп киритган. Қизиғи шундаки, Андрейнинг матбуот хизмати ходимлари тўпурарга бўлган муносабатни шарҳлар экан, Шевченко ҳеч қачон «Милан»га қайтмоқчи эмас, деган фикрни айтишди. Ҳозирча Андрей Шевченко ҳақидаги уйдирма гаплар шу билан барҳам топди.

КРОССВОРД



Энига: 1. Энг оммавий спорт тури. 6. Болалар боғчаси ...қа олинган. 9. Атоқли ўзбек геолог олими. 12. Қишки Олимпия ўйинлари ўтказилган Канададаги шаҳар. 13. Инсоннинг етуклик даври. 14. Африка шимолидаги давлат. 16. Йилда бир уюштириладиган катта бозор. 20. Ҳарбийлар либоси. 24. Сил касаллиги таёқчасини аниқлаган немис микробиологи. 25. Мўътабар зот. 26. Вулқон оғзи. 27. Каучукдан олинадиган ашё. 28. Игнабаргли дарахт. 30. ...-насиҳат. 31. Чинни буюмни таъмирловчи. 34. Дурадгорлик асбоби. 36. Чаённинг ҳужум ва ҳимоя аъзоси. 38. Ишни асбоб қилади, устаси ... уради. 39. «Соғлом ... учун» ордени. 40. Санкт-Петербургдаги машҳур музей. 43. Пазандалик анжоми. 47. Нефтдан олинадиган тўқ жигарранг тусли қуюқ мой. 48. Ҳафта куни. 51. Маймун турларидан бири. 52. Икки ёки 4 киши иштирокида катта столда ўйналадиган спорт тури. 53. Ёпиқ эгри чизиқ.

Бўйига: 1. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 3. Хоразм халқ рақси. 4. Дунёни кезиш, сайёҳлик. 5. XIX аср француз ёзувчиси. 6. Чекка кимсасиз жой. 8. Назмий асар тури. 10. Деҳли яқинидаги шаҳар. 11. Буғ воситасида ҳаракатланувчи техника. 15. «Фотима ва Зуҳра» романи муаллифи. 17. Рангли металл. 18. Давра қўшиғи. 19. Кавказлик кўзбойлоқчи. 21. Номи қўшиққа айланган дарахт. 22. МДҲ таркибидаги республика. 23. Уэльс ҳудудидаги шаҳар. 32. Марказий Осиёдаги республика пойтахти. 33. «Онажонинг ... қил». 35. Шриланка давлатининг бош шаҳри. 37. Ер сайёраси шакли. 38. Чилидаги дарё. 39. «Куч — ...дадир». 41. Хўл мева. 42. Тез югурувчи йирик қуш. 44. Тожикистондаги дарёга номдош шаҳар. 45. Ерга кўмиб тайёрланадиган чорва озуқаси. 46. Ганг дарёсининг ирмоғи.

Ёйлар бўйича: 2. Кино лентасидаги ёзув. 7. Пойтахти Вьентьян. 49. Испаниядаги шаҳар. 50. Чангсимон мусиқа асбоби.

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига: 29. Мухбирнинг бевосита иштирокидаги матбуот хабари.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ТОПШИРИҚЛИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

(газетанинг 2007 йил 5 май сони)

Энига: 6. Лайнер. 7. Кодекс. 11. Жийда. 12. Омбор. 14. Тақир. 16. Нуқта. 17. Репин. 18. Сувора. 20. Маишат. 21. Терроризм. 26. Афшона. 27. Табрик. 28. Патир. 30. Инкор. 32. Анжом. 33. Майна. 34. Айова. 36. Устама. 38. Кошона.

Бўйига: 1. Айғир. 2. Тендер. 3. Ботмон. 4. Довон. 9. «Икарус». 10. Нитрат. 11. Жилов. 13. Рупия. 15. Спидометр. 19. Арена. 20. Мазут. 22. Афанди. 23. Бодом. 24. Обуна. 25. Нигора. 28. Панама. 29. Райҳон. 31. Раста. 32. Авлод.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 5. Қотиллик. 8. Амнистия. 35. Трибунал. 38. Тахтакач.

Ҳарфлар жуфтлигида:
Сахийлик, хушхулқлик — булар ҳаммаси,
Билгилки, одобнинг берган меваси!